бермаган тақдирда, **“Маҳсулот етказиб берувчи”** сифати зарур даражада бўлмаган нефт маҳсулотлари қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

**4.4.** Нефт маҳсулотларини етказиб бериш кечиктирилган ёки тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда «Маҳсулот етказиб берувчи» «Истеъмолчи»ка кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган нефт маҳсулотлари қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

**4.5.** “Истеъмолчи” га етказиб берилган нефт маҳсулотларини танлаб олмаслик, шунингдек етказиб берувчи шартномада белгиланган муддатда (даврда) уларни етказиб берганда маҳсулотни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун “Истеъмолчи” “маҳсулот етказиб берувчи”га танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) маҳсулотлар қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Маҳсулотлар танлаб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) ҳолларда, “маҳсулот етказиб берувчи” жарима ундиришдан ташқари, ушбу маҳсулотлар мавжудлигининг кафолатларини тақдим этган ҳолда, танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) маҳсулот лар қиймати тўланишини талаб қилишга ҳақлидир.

**4.6.** Етказиб берилган нефт маҳсулотлари учун ўз вақтида ҳақ туламаганда «Истеъмолчи» «Маҳсулот етказиб берувчи»га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

**4.7.** «Истеъмолчи» томонидан сарфланган транспорт харажатлари ва бошқа қўшимча тўловларни тўламаганлиги учун «Маҳсулот етказиб берувчи» «Истеъмолчи»га тўлов муддати утказиб юборилган ҳар бир кун учун белгиланган муддатда туланмаган сумманинг 0,4 фоизи, бироқ тўлов муддати утказиб юборилган сумманинг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

**4.8.** Ушбу шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик ва бошқа масалалар Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонунга ҳамда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

## 5. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ ВА ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ЭТИШ

**5.1.** Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, қурғоқчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, қамал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавкулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва кутилмаган ҳолатлар содир бўлганлиги, шунингдек Қонун ва қонун ости хужжатларининг қабул қилинганлиги туфайли бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги ҳужжатлар асосида исботланса жавобгарлик санкциялари қўлланилмайди.

**5.2.** Ушбу шартнома шартларини бажаришга тўсқинлик килувчи форс-мажор ҳолатларининг бошланиши ва тугаши тўғрисида томонлар зудлик билан бир-бирларини ёзма равишда хабардор қилишлари шарт.

**5.3.** Форс-мажор ҳолатлари бўйича келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиккан тақдирда томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда ёки туман (шаҳар)лар ҳокимликлари ҳузурида ташкил этиладиган енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари (форс-мажор)ни тасдиқлаш бўйича комиссия иштирокида уларни судгача ҳал этиш чора-тадбирларини кўрадилар.

## 6. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

**6.1.** Мазкур шартнома бўйича келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиккан тақдирда, тарафлар қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар, жумладан ёзма тарзда эътироз хати юбориш шарт. Узоғи билан бир ойлик муддат ичида эътироз хати рад этилса ёки эътироз хати жавобсиз қолдирилса келишмовчилик ва низолар жавобгар жойлашган жойдаги иқтисодий судда ҳал

## 7. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

**7.1.** Шартнома 2022 йил 31 декабр кунининг якунига қадар амалда бўлади.

**7.2.** Шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги, ғазначилик бошқармаси (бўлими)да қайд этилиши шарт бўлса, ғазначиликда рўйхатдан ўтказилган санадан юридик кучга киради ва 2021 йил 31 декабр кунининг якунига қадар амалда бўлади.

## 8. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

**8.1.** Мазкур шартнома тарафларнинг келишувига кўра ёки бир тараф шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, иккинчи тарафнинг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин. Шартнома конун ва қонун ости хужжатларининг қабул қилинганлиги туфайли бир томонлама **“Маҳсулот етказиб берувчи”**нинг ташаббуси билан бекор қилиниши мумкин.

**8.2.** Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда киритилади.

**8.3.** Шартнома икки нусхада тузилиб, тарафларда бир нусхадан сақланади ва иккала нусхалари ҳам тенг юридик кучга эгадир.

## 9. Томонларнинг юридик манзиллари, банк реквизитлари ва имзолари:

| “Етказиб берувчи” | “Истеъмолчи” |
|---|---|
| **“Жиззах нефт база” МЧЖ** | “Зомин” ИТБ |
| **Жиззах шаҳри “А” Саноат ҳудуди.** | Зарбдор т. Бўстон ш. |
| **х/р: 22604000500491356701** | Наврўз мфй Қ.Олимжон кў. |
| **АТБ “Ўзсаноатқурилишбанк”** | х/р: 20002186008720704240217001 |
| **Тошкент шаҳар Яшнабод филиали, МФО: 00432.** | банк: Марказий банк |
| **ИНН: 200343224** | ...129 |
| ________________ **В.Қосимов** | Л. Маҳмудов |
| **(мухр, имзо.)** | (мухр, имзо, Ф.И.Ш.) |

Бухгалтерия ________________

Сотиш бўлими ________________

Юридик бўлим ________________